

**«Ўзагросуғурта» АЖ
2017 йил «30» июндаги
акциядорларнинг навбатдаги йиллик
умумий йиғилишининг 40-сонли
баённомаси билан
«ТАСДИҚЛАНГАН»**

**«Ўзагросуғурта»
акциядорлик жамияти
акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисидаги
НИЗОМИ**

1. Умумий қоидалар.
2. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатлари.
3. Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқи. Акциядорларни ва уларнинг ваколатли вакилларини рўйхатдан ўтказиш.
4. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриш.
5. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш ва ўтказиш тартиби.
6. Акциядорларнинг умумий йиғилиши кворуми.
7. Умумий йиғилишнинг ишчи органлари ва унинг олиб бориш тартиби.
8. Акциядорлар умумий йиғилиши баённомаси.
9. Яқуний қоидалар.
 - 1-Илова. Акциядорлик жамияти вакилларининг, устав фондида иштирок этаётган хўжалик жамиятлари бошқарув органларида овоз бериш тартиби.
 - 2-Илова. Акциядорлик жамиятининг акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш тартиби.
 - 3-Илова. Акциядорлик жамияти бошқарув органларининг акциядорлар ва инвесторлар билан ўзаро ҳамкорлиги тартиби
 - 4-Илова. Акциядорлик жамияти мансабдор шахсларининг малакасини ошириш тартиби.
 - 5-Илова. Акциядорлик жамиятининг ижроия органи раҳбарлигига танлов ўтказиш Тартиби
 - 6-Илова. Акциядорлик жамиятининг бошқарув ва ижроия органи аъзоларига ҳақ тўлаш Тартиби.
 - 7-Илова. Акциядорлик жамиятининг бошқарув ва назорат органлари ҳисоботларига доир талаблар тўғрисидаги Низом
 - 8-Илова. Акциядорлик жамиятида аффилланган шахсларнинг ҳисобини юритиш ва аффилланган шахслар билан битимлар тузиш Тартиби
 - 9-Илова. Акциядорлик жамиятининг йирик битимларни тузиш Тартиби.
 - 10-Илова. Умумий йиғилишининг қайд қилиш рўйхати.
 - 11-Илова. Бюллетень.
 - 12-Илова. Акциядор-жисмоний шахс номидан Ишончнома.
 - 12а-Илова. Акциядор-юрлик шахс номидан Ишончнома.

13-Илова. Хабарнома.

14-Илова. Акциядорларнинг умумий йиғилишининг кун тартибига таклифлар киритиши.

15-Илова. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги акциядорларнинг талаби.

16-Илова. Кузатув кенгашининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилишида акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тартибини ташкиллаштирилиши.

17-Илова. Акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳисобот берувчи бошқарув ва назорат органлари маърузалари (ҳисоботлари) шакли ва мазмунига бўлган талаблар.

1. УМУМий ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур Низом «Ўзагросуғурта» акциядорлик жамияти (матн давомида «Жамият» деб номланади) акциядорлар умумий йиғилишининг мақомини ва унинг ишини, уни ўтказиш ва қарорлар қабул қилиш тартибини белгилайди.

1.2. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни (кейинги ўринларда - Қонун), бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, Корпоратив бошқарув Кодекси (Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссиясининг 31.12.2015 йилдаги 9-сонли мажлис баёни билан тасдиқланган) тавсиялари, «Ўзагросуғурта» акциядорлик жамиятининг (кейинги ўринларда - Жамият) Устави ва Жамиятнинг бошқа ички ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

1.3. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Жамиятнинг юқори бошқарув органи ҳисобланади.

1.4. Жамият ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт.

1.5. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши жамият уставида белгиланган муддатларда, аммо молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида Жамиятнинг Кузатув кенгашини ва тафтиш комиссиясини сайлаш тўғрисидаги, Жамиятнинг Бошқарув раиси билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек Жамиятнинг йиллик ҳисоботи, Жамият ижроия органи ва Кузатув кенгашининг Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари, йиллик бизнес-режасини, Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда Жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш, Жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш ва бошқа ҳужжатлари кўриб чиқилади.

1.6. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

1.7. Жамият Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган йиллик молиявий ҳисоботни у Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудитдан ўтказилганидан кейин, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида икки ҳафта олдин эълон қилиши шарт.

1.8. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг

(ахборотнинг) рўйхати жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан белгиланади, акциядор (акциядорлар)нинг ташаббусига кўра акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш ҳоллари бундан мустасно. Акциядорлик жамиятининг умумий йиғилиши кузатув кенгашининг қарорига кўра видеоконференция шаклида ўтказилиши ҳақ мумкин.

2. АКЦИЯДОРЛАР УМУМЙ ЙИҒИЛИШИНING ВАКОЛАТЛАРИ

2.1. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар қиради:

а) Жамият уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

б) Жамиятни қайта ташкил этиш;

в) Жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

г) Жамият Кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

д) эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

е) Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш; ж) Жамиятнинг устав капиталини камайтириш; з) ўз акцияларини олиш;

и) Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш) ва раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно;

к) Жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш;

л) жамиятнинг йиллик ҳисоботини ва йиллик бизнес-режасини, шунингдек жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

м) Жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

н) Жамият Кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига қирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият Кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг ҳулосаларини эшитиш;

о) Жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошладиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

п) қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

р) акцияларни ва акцияларга айирбошладиган қимматли қоғозларни сотиб олишда акциядорнинг имтиёзли ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисида қарорни қабул қилиш;

с) акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

т) акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

у) қонунчиликда белгиланган ҳолларда Жамият томонидан йирик битимлар ва Жамият аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

ф) акциядорларнинг умумий йиғилишида шахсан иштирок эта олмайдиган акциядорлар учун электрон почта орқали (электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда), шунингдек, ўз ваколатини вакилга бериш йўли билан овоз бериш ёки умумий йиғилишни видеоконференц-алоқа тарзида ўтказиш имонияти ва шароитини яратиш.

х) қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

2.2. Юқорида а), б), в), д), н), у) кўрсатилган масалалар бўйича қарор акциядорлар умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

2.3. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар жамиятнинг ижроия органи ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

2.4. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар жамиятнинг кузатув кенгаши ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас, қуйидаги масалалар бундан мустасно:

а) жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

б) акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

в) жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

г) қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

д) жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

е) жамиятнинг ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш), раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

ж) жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорларини белгилаш;

з) ижроия органининг аффилиланган шахслар билан ва йирик битимларни мустақил амалга ошириши учун акциядорлик жамиятининг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни аниқлаш;

и) жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш.

2.5. Овозга қўйилган масала бўйича акциядорлар умумий йиғилишининг қарори, агар Қонунда, Жамият Уставида ва ушбу Низомда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, Жамиятнинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган, йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг кўпчилик (оддий кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

2.6. Акциядорлар, шу жумладан миноритар акциядорлар овоз беришда ўзаро ҳамкорликни шакллантириш бўйича акциядорлар битимини тузишга ҳақли.

2.7. Акциядорларнинг вакиллари бўлган ижроия органи аъзолари, ижроия органи аъзоларини сайлашда иштирок этиши мумкин эмас.

2.8. Солиққа оид ёки давлат олдидаги бошқа қарздорлик ҳисобига жамият устав фондидаги (устав капиталдаги) давлат улушини шакллантириш ёки ошириш тўғрисидаги қарор жамият акциядорлари умумий йиғилиши томонидан жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг камида учдан икки қисми эгалари бўлган акциядорларнинг (давлатдан ташқари) розилиги мавжуд бўлган тақдирда, акциядорларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

2.9. Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишга, шунингдек кун тартибига ўзгартиришлар киритишга ҳақли эмас. Агар бирор бир сабабга кўра акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилган масала бўйича қарор қабул қилинмаса, у ҳолда ушбу масалани кўриб чиқмаслик тўғрисида қарор қабул қилинади.

2.10. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш яқунлари қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда қимматли

қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг ва Жамиятнинг расмий веб-сайтида ошкор қилинади.

2.11. Агар акциядор узрли сабабга кўра Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этмаган ёки бундай қарор қабул қилинишига қарши овоз берган бўлса, у Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарор устидан судга шикоят қилишга ҳақлидир.

3. УМУМИЙ ЙИҒИЛИШДА ҚАТНАШИШ ҲУҚУҚИ. АКЦИЯДОРЛАРНИ ВА УЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛИ ВАКИЛЛАРИНИ РҲЙХАТДАН ҲТКАЗИШ

3.1. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига акциядорларнинг умумий йиғилиши Ҳтказиладиган санадан уч иш куни олдин шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

3.2. Жамият акциядорларининг реестрига Ҳзгартиш ва қўшимчалар киритилишига йўл қўйилмайди, мазкур реестр шакллантирилган санада унга киритилмай қолган шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланган ёки реестрни шакллантиришда йўл қўйилган хатолар тузатилган ҳоллар бундан мустасно.

3.3. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар (уларнинг вакиллари), жамият аудитори, Кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ва ижроия органининг аъзолари (танлов бўйича саралаш асосида) (агар овоз бериш бюллетенига киритилган номзодлар, яъни Кузатув Кенгаш аъзолари, тафтиш комиссияси ва ижроия органи раҳбарини муҳокама қилганда уларнинг иштирок этиши таклиф этилади) эга.

3.4. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун акциядорлар (уларнинг вакиллари) умумий йиғилиш Ҳтказиладиган вақт ва жойда рўйхатдан Ҳтишлари шарт.

3.5. Акциядорлар умумий йиғилишида Кузатув кенгаши аъзолари, Бошқарув раиси ва Бошқарув аъзолари, Тафтиш комиссиясининг аъзолари, Жамият аудитори, шунингдек кун тартибидаги масалалар бўйича маърузачилар ва таклиф этилган шахслар қатнашиши мумкин.

3.6. Кузатув кенгаши аъзолигига, тафтиш комиссияси, Бошқарув раиси ва Бошқарув аъзоликка бўлган номзодлар акциядорлар умумий йиғилишида Ҳз номзодликлари бўйича масалаларни кўриб чиқилишида кузатувчи сифатида қатнашишлари мумкин.

3.7. Акциядорнинг вакили акциядорларнинг умумий йиғилишида ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида иш юритади. Овоз беришга доир ишончномада ваколат берган ва вакил қилинган шахс тўғрисидаги маълумотлар (исми-шарифи ёки номи, яшаш жойи ёки жойлашган ери, паспортига оид маълумотлар) бўлиши лозим. Жисмоний шахс номидан берилган овоз беришга доир ишончнома нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак. Юридик шахс номидан овоз беришга доир ишончнома унинг раҳбарининг имзоси ва ушбу юридик шахснинг муҳри билан (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) тасдиқланган ҳолда берилади.

3.8. Жисмоний шахсларни акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан Ҳтказиш акциядорнинг шахсини тасдиқловчи паспорт ёки бошқа ҳужжат асосида, уларнинг вакиллари эса акциядорнинг номидан берилган овоз беришга доир ишончнома нотариал тартибда тасдиқланган ҳолда амалга оширади. Акциядор акциядорларнинг умумий йиғилишидаги Ҳз вакилини исталган вақтда алмаштиришга ёки йиғилишда шахсан Ҳзи иштирок этишга ҳақлидир.

3.9. Юридик шахс раҳбари жамият акциядори умумий йиғилишдаги Ҳз ваколатларини лавозимга тайинлаш тўғрисидаги ҳуқуқий ҳужжат ҳамда шахсни тасдиқловчи ҳужжат асосида амалга оширади. Юридик шахс номидан овоз беришга доир ишончнома

унинг раҳбарининг имзоси ва ушбу юридик шахснинг муҳри билан тасдиқланган ҳолда берилади.

3.10. Акциядор юридик шахснинг вакили акциядорлар умумий йиғилишида ташкилот раҳбарининг имзоси билан ёки бунга таъсис ҳужжатлари билан вакил қилинган бошқа шахснинг имзоси чекилган, ушбу ташкилотнинг муҳри билан тасдиқланган унинг номига берилган ишончнома мавжуд бўлган тақдирда қатнашиши мумкин.

3.11. Жамият акциядорлари реестрига биноан ушбу Низомнинг 10-иловасига кўрсатилган шаклда қайд этиш рўйхати тузилади. Қайд этиш рўйхати рисола ҳолига келтирилган, тартиб рақами қўйилган, ип ўтказиб тикилган ва акциядорлик жамияти муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак.

3.12. Умумий йиғилишни ўтказишда акциядорлар (уларнинг вакиллари) қайд этиш рўйхатига имзо чекадилар ва жамият акциядорлари реестри маълумотлари бўйича белгиланган ҳар бир акциядорнинг овоз берувчи акциялари сонидан келиб чиқиб овоз бериш учун ушбу Низомнинг 11-иловасида кўрсатилган шаклида бюллетен ёки бюллетенлар тўпламини оладилар.

3.13. Акциядорларнинг умумий йиғилишида шахсан иштирок эта олмайдиган акциядорлар учун электрон почта орқали (электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда), шунингдек, ўз ваколатини вакилга бериш йўли билан овоз бериш ёки умумий йиғилишни видеоконференц-алоқа тарзида ўтказилиши мумкин.

3.14. Агар йиғилиш қатнашчиси бир ёки бир неча акциядорнинг манфаатларини ифодалашга ишончнома тақдим этса, у ҳолда унга у ифодалаётган акциядор (акциядорлар) учун овоз беришга бюллетень берилади, рўйхатдан ўтиш рўйхатида эса у ифодалаётган акциядорнинг фамилияси қаршисига "_____та (сони) овоз берувчи акциялар бўйича "_____" да берилган ишончнома бўйича" деган ёзув қайд этилади ҳамда вакилнинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилади (12 ва 12а иловалар).

3.15. Акциядорлар вакили сифатида иштирок этувчи ижроия органи вакилларининг ижроия органига аъзолар сайлаш масаласида овоз бериш тақиқланади.

3.16. Агар жамиятнинг акцияси бир неча шахснинг умумий улушли мулкида бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш ваколатлари уларнинг хоҳишига кўра умумий улушли мулк иштирокчиларидан бири ёки уларнинг умумий вакили томонидан амалга оширилади. Кўрсатиб ўтилган ҳар бир шахснинг ваколатлари тегишли тарзда расмийлаштирилган бўлиши керак.

3.17. Жамиятнинг акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этувчи шахс ўз хоҳиши билан шундай шахс ҳисобидан ўзи тўлдирган бюллетень нусхасини олиши мумкин.

4. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИҒИЛИШINI ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ

4.1. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриляётганда жамиятнинг Кузатов кенгаши қуйидагиларни белгилайди:

- умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жойни;
- умумий йиғилишнинг кун тартибини;
- умумий йиғилиш ўтказиш учун жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган санани;
- умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга ва давлат вакилига хабар қилиш тартибини;
- умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўриляётганда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этиладиган ахборот (материаллар) рўйхатини;
- овоз бериш бюллетенининг шакли ва матнини.

4.2. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида етти кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан ўттиз кун олдин 13-иловага асосан Жамиятнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади. Жамият давлат вакилини акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида етти кун олдин ёзма шаклда хабардор қилиши шарт. Жамият акциядорнинг талабига кўра акциядорга у акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрига киритилганлиги тўғрисида ахборот тақдим этиши шарт.

4.3. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабарда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- жамиятнинг номи, жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили;
- умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жой;
- жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана;
- умумий йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар;

➤ умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўриладиганда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этилиши лозим бўлган ахборот (материаллар) билан акциядорларни ва давлат вакилини таништириш тартиби.

4.4. Аник масала қўйилишини ақс эттирмайдиган таърифларнинг (шу жумладан, «турли масалалар», «бошқа масалалар», «ўзга масалалар» ва шу сингари таърифларнинг) акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилишига йўл қўйилмайди.

4.5. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриладиганда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этилиши лозим бўлган ахборотга (материалларга) жамиятнинг йиллик ҳисоботи, жамиятнинг йиллик молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан жамият тафтиш комиссиясининг ва аудиторлик ташкилотининг хулосаси, жамият Кузатув кенгашининг, бошқарув раиси билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш, шартномани қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги тўғрисидаги хулосаси, шунингдек жамиятнинг Кузатув кенгаши ҳамда тафтиш комиссияси аъзолигига номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, жамиятнинг уставига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар лойиҳаси ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги устав лойиҳаси киради.

4.6. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўн кундан кам ва ўттиз кундан кўп этиб белгиланиши мумкин эмас.

4.7. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриладиганда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этилиши мажбурий бўлган қўшимча ахборотнинг (материалларнинг) рўйхати қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланиши мумкин.

4.8. Акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳисобот берувчи Жамият бошқарув ва назорат органлари маърузалари (ҳисоботлари) ушбу Низомнинг 17-иловасига мувофиқ тузилади.

Шу жумладан, Тафтиш комиссиясининг хулосаси қуйдига нарсаларни ўз ичига олиши керак:

- Кўриб чиқилган ахборот (материаллар) базаси;
- Тафтиш услублари;
- Ички ҳужжатларнинг қонунчиликка мувофиқлилик таҳлили;
- Молиявий ҳисоботни текшириш ва уларнинг бухгалтерлик ҳисоб ва ҳисобот нормаларига мувофиқлиги;
- Жамият молиявий-хўжалик фаолиятининг таҳлили.

4.9. Акциядорларнинг умумий йиғилишида акциядорлар, шу жумладан, миноритар акциядорлар учун овоз беришда уларнинг биргаликдаги позициясини шакллантириш учун акциядорлик битимини тузиши мумкин.

4.10. Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилгунга қадар акциядорларга кун тартиби, шу жумладан, кузатув кенгашининг умумий йиғилиш кун тартибидаги масала бўйича позицияси юзасидан зарур маълумотлар тақдим этилади.

4.11. Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига таклифлар (14-иловага ассосан) Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фозизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин тўқсон кундан кечиктирмай акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига киритишга, фойдани тақсимлаш, бошқарув ва назорат органи аъзолигига уларнинг номзодини (умумий йиғилиш ўтказилгунга қадар алмаштириш имконияти билан) кўрсатиш юзасидан таклиф киритиши ҳамда жамият Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

4.12. Акциядорлар (акциядор) Жамият Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига ўзлари кўрсатган номзодлар рўйхатига акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай ўзгартиришлар киритишга ҳақли. Бунда акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабарни қайта эълон қилиш талаб этилмайди. Бундай ҳолларда номзодлар таркибига ўзгартириш киритиш Кузатув кенгашининг овоз бериш бюллетени тасдиқланадиган қарори билан амалга оширилади.

4.13. Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига масала уни қўйиш сабаблари, масалани киритаётган акциядорларнинг (акциядорнинг) исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда киритилади. Жамият Кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига номзодлар кўрсатиш тўғрисида таклифлар киритилганда, шу жумладан ўзини ўзи номзод қилиб кўрсатилган тақдирда номзоднинг исми-шарифи, унга тегишли акцияларнинг сони ва тури (агар номзод жамият акциядори бўлса), шунингдек номзодни кўрсатаётган акциядорларнинг исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилади.

4.14. Жамиятнинг Кузатув кенгаши тушган таклифларни кўриб чиқиши ҳамда қонунчиликда белгиланган муддат тугаганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай уларни акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритиш тўғрисида ёки мазкур кун тартибига киритишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши шарт.

4.15. Акциядорлар (акциядор) томонидан киритилган масала акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига, худди шунингдек кўрсатилган номзодлар жамиятнинг Кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритилиши керак, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- конунчиликда белгиланган муддатга акциядорлар (акциядор) томонидан риюя этилмаган бўлса;
- акциядорлар (акциядор) жамиятнинг қонунчиликда назарда тутилган миқдордаги овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса;
- конунчиликда назарда тутилган маълумотлар тўлиқ бўлмаса;
- таклифлар конунчилик талабларига мувофиқ бўлмаса.

4.16. Жамият Кузатув кенгашининг масалани акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига ёки номзодни жамият Кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги асослантилган қарори масалани киритган ёки таклиф тақдим этган акциядорларга (акциядорга) қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай юборилади.

4.17. Жамият Кузатув кенгашининг масалани акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига ёки номзодни жамият Кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

5. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШНИ ЧАҚИРИШ ВА ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

5.1. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши жамият Кузатув кенгашининг қарорига кўра:

- унинг ўз ташаббуси асосида;
- тафтиш комиссиясининг ёзма талаби;
-

жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида ўтказилади (15-иловага асосан).

5.2. Жамият тафтиш комиссиясининг ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талабига кўра акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш ҳақида ёзма талаб тақдим этилган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

5.3. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талабда йиғилиш кун тартибига киритилиши керак бўлган масалалар уларни киритиш сабаблари кўрсатилган ҳолда таърифланган бўлиши керак.

5.4. Жамиятнинг Кузатув кенгаши жамият тафтиш комиссиясининг ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра чақириладиган акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига масалаларнинг таърифига ўзгартишлар киритишга ҳақли эмас.

5.5. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талаб акциядордан (акциядорлардан) чиққан тақдирда, бу талабда умумий йиғилишни чақиришни талаб қилаётган акциядорнинг (акциядорларнинг) исми-шарифи (номи), унга тегишли акцияларнинг сони, тури кўрсатилган бўлиши лозим.

5.6. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талаб акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилган шахс (шахслар) томонидан имзоланади.

5.7. Жамиятнинг тафтиш комиссияси ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида талаб тақдим этган санадан эътиборан ўн кун ичида жамият Кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида ёки йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши керак.

5.8. Жамият тафтиш комиссиясининг ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарор қуйидаги ҳолларда қабул қилиниши мумкин, агар:

➤ акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилаётган акциядор (акциядорлар) қонунчиликда назарда тутилган миқдордаги жамият овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса;

➤ кун тартибига киритиш учун тақлиф этилган масалалардан бирортаси ҳам акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига кирмаса;

➤ кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масала қонунчилик талабларига мувофиқ бўлмаса.

5.9. Жамият Кузатув кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги қарори ёки бундай йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақидаги асослантирилган қарори йиғилиш чақиришни талаб қилган шахсларга қарор қабул қилинган пайдан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай юборилади.

5.10. Жамият Кузатув кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

5.11. Жамият Кузатув кенгаши қонунчиликда белгиланган муддат ичида акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилмаган тақдирда ёки уни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилган тақдирда, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши уни чақиришни талаб қилган шахслар томонидан чақирилиши мумкин. Бундай ҳолларда акциядорларнинг умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрни акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра жамиятнинг маблағлари ҳисобидан копланиши мумкин.

5.12. Кузатув кенгашининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш бўйича масалаларни кўриб чиқишда акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 16-иловага асосан чақирилади.

6. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ КВОРУМИ

6.1. Агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади.

6.2. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум бўлмаса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказишда кун тартибини ўзгартиришга йўл кўйилмайди.

6.3. Агар акциядорларнинг ўтказилмай қолган йиғилиши ўрнига чақирилган такрорий умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами қирқ фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилиши ваколатли бўлади.

6.4. Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабар қилиш қонунчиликда назарда тутилган муддатларда ва шаклда амалга оширилади.

6.5. Кворум бўлмаганлиги сабабли акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси йигирма кундан кам муддатга кўчирилган тақдирда, умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар ўтказилмай қолган умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрига мувофиқ аниқланади.

7. УМУМИЙ ЙИҒИЛИШНИНГ ИШЧИ ОРГАНЛАРИ ВА УНИ ОЛИБ БОРИШ ТАРТИБИ

7.1. Умумий йиғилишнинг раиси (раёсати), санок комиссияси ва котибият умумий йиғилиш ишчи органлари ҳисобланади.

7.2. Умумий йиғилишнинг раиси (раёсати) ва котиби акциядорлар умумий йиғилиши томонидан сайланадилар. Бунда акциядорлар умумий йиғилиши раёсатининг таркибига Кузатув кенгаш раиси киради.

7.3. Акциядорлар умумий йиғилиши раиси акциядорлар умумий йиғилишида сайланади, йиғилишни олиб борилишини таъминлайди ва бунинг учун у ўз вазифаларини зарур тартибда бажарилиши учун лозим бўлган барча ваколатларга эга бўлади.

7.4. Акциядорларнинг талабларига кўра, акциядорларнинг умумий йиғилиши карорига асосан, умумий йиғилиш раиси, акциядорлар умумий йиғилишининг аудио-видео ёзуви ва интернет тармоғидаги трансляциясига рухсат бериш ваколатига эга.

7.5. Кузатув кенгаши раиси (у узрли сабабларга кўра бўлмаган такдирда эса, Жамият Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири, Бошқарув раиси, Бошқарув аъзоси ёки йиғилишни чакирган шахс) акциядорлар умумий йиғилишининг раиси (Раёсати)ни ва Котибини сайлашни ва Санок комиссиясининг сони ва шахсий таркибини тасдиқлашни таклиф этади.

7.6. Умумий йиғилиш раиси йиғилишнинг боришига раҳбарлик қилади, Умумий йиғилиш ишчи орағнлари ишини мувофиқлаштиради, масалаларни муҳокама қилиш тартибини белгилайди, маърузачиларнинг нутқ сўзлашлари вақтини чегаралайди, йиғилишни олиб бориш ва овоз бериш давомида тушунтиришлар беради, залда тартиб ўрнатилишини назорат қилади.

7.7. Умумий йиғилиш раиси умумий йиғилиш баёни ва қарорини имзолайди.

7.8. Овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият Кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

7.9. Санок комиссиясининг таркиби камида уч кишидан иборат бўлиши керак. Санок комиссияси таркибига жамият Кузатув кенгашининг аъзолари, тафтиш комиссиясининг аъзолари, жамият Бошқаруви аъзолари, шунингдек ана шу лавозимларга номзоди кўрсатилган шахслар кириши мумкин эмас.

7.10. Санок комиссияси акциядорларнинг умумий йиғилишида кворум бор ёки йўқлигини аниқлайди, умумий йиғилишда овоз бериш ҳуқуқларининг акциядорлар (уларнинг вакиллари) томонидан амалга оширилиши муносабати билан юзага келадиган масалаларни тушунтиради, овозга қўйиладиган масалалар бўйича овоз бериш тартибини тушунтиради, овоз беришнинг белгиланган тартиби ва акциядорларнинг овоз беришда иштирок этиш ҳуқуқларини таъминлайди, овозларни санаб чиқади ва овоз бериш яқунларини чиқаради, овоз бериш яқунлари тўғрисида баённома тузади, овоз бериш бюллетенларини жамиятнинг архивига топширади.

7.11. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш «жамиятнинг овоз берувчи битта акцияси — битта овоз» принципи бўйича амалга оширилади, жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш бўйича кумулятив овоз беришни ўтказиш ҳоллари бундан мустасно.

7.12. Акциядорларнинг умумий йиғилишида кун тартиби масалалари бўйича овоз бериш овоз бериш бюллетенлари орқали амалга оширилади.

7.13. Овоз бериш бюллетенларининг шакли ва матни ушбу Низомнинг 11-илоvasида кўрсатилган шаклида жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши жамият Кузатув кенгаши томонидан чақирилмаган ҳоллар бундан мустасно. Овоз бериш бюллетени умумий йиғилишда иштирок этиш учун рўйхатдан ўтган акциядорга (унинг вакилига) берилади.

7.14. Овоз бериш бюллетенида: жамиятнинг тўлиқ фирма номи, акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш санаси, вақти ва жойи, овоз беришга қўйилган ҳар бир масаланинг таърифи ва уни кўриб чиқиш навбати, овоз беришга қўйилган ҳар бир масала бўйича «ёқлайман», «қаршиман» ёки «бетарафман» деган мазмундаги сўзлар билан ифодаланган овоз бериш вариантлари кўрсатилган бўлиши (бундан овоз беришга қўйилган масалага «ёқлайман» деган мазмундаги сўз билан ифодаланадиган кумулятив овоз бериш мустасно),

овоз бериш бюллетени акциядор (унинг вакили) томонидан имзоланиши лозимлиги тўғрисидаги кўрсатма бўлиши керак.

7.15. Жамиятнинг Кузатув кенгаши ёки тафтиш комиссияси аъзосини сайлаш тўғрисидаги масала юзасидан овоз бериш ўтказилган тақдирда, овоз бериш бюллетенида номзод тўғрисидаги маълумотлар, унинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилиши лозим.

7.16. Овоз берилганида овоз берувчи қайси масала бўйича эҳтимол тугилган овоз бериш вариантларидан фақат биттасини қолдирган бўлса, ўша масала бўйича берилган овозлар ҳисобга олинади. Мазкур талабни бузган ҳолда тўлдирилган овоз бериш бюллетенлари ҳақиқий эмас деб топилади ва улардаги масалалар бўйича берилган овозлар ҳисобга олинмайди.

7.17. Агар овоз бериш бюллетенида овозга қўйилган бир нечта масала кўрсатилган бўлса, бир ёки бир нечта масалага нисбатан қонунчиликда кўрсатилган талабга риоя этилмаганлиги бюллетеннинг умуман ҳақиқий эмас деб топилишига сабаб бўлмайди.

7.18. Овоз бериш яқунлари бўйича санок комиссияси овоз бериш яқунлари тўғрисида баённома тузади, баённома жумладан акциядорлар умумий йиғилишининг қворуми мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни ҳам ўз ичига олади ва санок комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланади.

7.19. Овоз бериш яқунлари тўғрисида баённома тузилганидан ва акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси имзоланганидан кейин овоз бериш бюллетенлари санок комиссияси томонидан муҳрланади ҳамда сақлаб қўйиш учун жамиятнинг архивига топширилади.

7.20. Овоз бериш яқунлари тўғрисидаги баённома акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасига қўшиб қўйилиши лозим.

7.21. Овоз бериш яқунлари акциядорларнинг овоз бериш ўтказилган умумий йиғилишида ўқиб эшиттирилади, шунингдек акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин овоз бериш яқунлари тўғрисидаги ҳисоботни эълон қилиш орқали акциядорлар эътиборига етказилади.

7.22. Акциядорлар умумий йиғилишини олиб бориш тартиби акциядорларнинг ҳар бир умумий йиғилишида мазкур низомга мувофиқ тасдиқланади.

7.23. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида сайланган санок комиссияси бир йил давомида агар таркибида ўзгариш бўлмаса кейин бўладиган навбатдан ташқари умумий йиғилишларда ҳам ўз фаолиятини давом эттиради. Санок комиссияси умумий йиғилишга келган акциядорларни рўйхат бўйича овозларини ҳисоблаб чиқиб, йиғилиш қворумини аниқлайди.

7.24. Кузатув кенгаш раиси умумий йиғилишни очиб аввал санок комиссиясига сўз беради, йиғилиш қворуми бўйича санок комиссияси мажлис қарорини маълумот учун овозга қўяди, йиғилишни очик деб эълон қилади, санок комиссиясини, йиғилиш раиси ва котибини сайлашни таклиф этади.

7.25. Акциядорлар ташаббусига кўра чақирилган умумий йиғилиш йиғилишни чақирган шахслар томонидан юқорида қайд қилинган тартибда олиб борилиши мумкин.

7.26. Умумий йиғилишни олиб бориш тартиби йиғилишнинг бошланиши ва тахминан тамом бўлиши вақтини, нутқлар қанча давом этиши ва танаффусларни, кун тартиби масалаларининг изчиллигини, кун тартиби масалалари бўйича маърузачиларнинг фамилиялари ва лавозимларини, овоз беришни амалга ошириш ва унинг натижаларини эълон қилиш тартибини назарда тутаяди.

7.27. Йиғилиш давомида пайдо бўлувчи жорий масалаларни раис муҳокама қилинаётган масала бўйича акциядорлар умумий йиғилишида бош принципдан: ҳар бир

қатнашчининг белгиланган вақт доирасида сўзга чиқиш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкинлигидан келиб чиқиб яккабошчилик билан ҳал этилади.

7.28. Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилишда қатнашиш истагини билдирганлар умумий йиғилиш котибига муҳокама қилинадиган масалани кўрсатган ҳолда буюртманомга берадилар.

7.29. Кун тартибининг барча масалалари муҳокама қилингандан кейин йиғилиш раиси акциядорлар умумий йиғилишини ёпиқ деб эълон қилади.

8. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ БАЁННОМАСИ

8.1. Умумий йиғилиш котиби акциядорлар умумий йиғилиши томонидан сайланади.

8.2. Котиб номзодини аниқлашга нисбатан мазкур низомнинг 7.7. бандига мувофиқ санок комиссияси аъзоларини тайинлашга қўйиладиган талабларга ўхшаш талаблар қўйилади.

8.3. Умумий йиғилиш котиби:

- умумий йиғилишнинг боришини баёнга қайд этиб боради;
- ёзма буюртманомалар бўйича йиғилиш кун тартиби масалаларини муҳокама қилишда қатнашиш истагини билдирувчилар рўйхатини олиб боради;
- умумий йиғилиш ёпилганидан кейин ўн кундан кечиктирмай акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасини икки нусхада тузади.

8.4. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида:

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилган сана, вақт ва жой;
- жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони;
- умумий йиғилишда иштирок этган акциядорлар эга бўлган овозларнинг сони;
- умумий йиғилишнинг раиси (раёсати) ва котиби, йиғилиш кун тартиби кўрсатилади;

8.5. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида маърузаларнинг асосий қоидалари, овозга қўйилган масалалар ҳамда улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари, йиғилиш қабул қилган қарорлар кўрсатилиши лозим.

8.6. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин ўн кундан кечиктирмай икки нусхада тузилади. Ҳар иккала нусха ҳам умумий йиғилишда раислик қилувчи ва умумий йиғилиш котиби томонидан имзоланади.

8.7. Санок комиссияси баёни акциядорлар умумий йиғилишининг махсус қарори билан тасдиқланмайди, балки маълумот учун қабул қилинади ҳамда умумий йиғилиш баённомасига тикиб қўйилиши керак.

8.8. Акциядорлар умумий йиғилиши баёни имзолангандан кейин санок комиссияси йиғилиш ҳужжатларини, шу жумладан умумий йиғилиш акциядорларининг қайд қилиш рўйхатини, санок комиссияси аъзолари томонидан имзоланган муҳрланган овоз бериш бюллетенларини, овоз бериш яқунлари тўғрисидаги баёнларни ва акциядорлар умумий йиғилиши баёнини тикиб, номерлаб, жамият муҳри билан тасдиқлаб, сақлаш учун жамият архивига топширади.

9. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

9.1. Акциядорлар умумий йиғилиши қарорлари бажарилиши устидан назорат қилишни, башарти йиғилиш қарорида ўзгача ҳол қайд этилмаган бўлса ва баёнда акс эттирилмаган бўлса, жамият Кузатув кенгаши амалга оширади.

9.2. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорлари умумий йиғилишда ҳозир бўлган, шунингдек ҳозир бўлмаган барча акциядорлар томонидан, уларга тегишли қисми бўйича бажарилиши мажбурийдир.

9.3. Ушбу Низомнинг талабларини бузган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

9.4. Ушбу Низом акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқлангандан кейин кучга киради.

9.5. Ушбу Низомга амалдаги қонун ҳужжатлари ўзгартирилганлиги ва Жамият Уставига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилганлиги муносабати билан ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилиши мумкин.

9.6. Ушбу Низомга киритилган ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқлангандан кейин кучга киради.

«Ўзагросуғурта»

акциядорлик жамияти акциядорларининг

**_____ йил _____ да ўтказиладиган йиллик (навбатдан ташқари)
умумий йиғилишининг қайд қилиш рўйхати**

Т/р	Акциядор фамилияси, исми, отасининг исми (номи)	Депозит хисоб рақами	Овоз берувчи акциялар сони	Акциядор имзоси	(вакил бор бўлса, тўлдирилади)				
					Вакил фамилияси, исми, отасининг исми (номи)	Ишонч ома рақами	Ишонч ома берилган сана	Овоз берувчи акциялар сони	Вакил имзоси
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10

Умумий йиғилишнинг барча рўйхатдан ўтказилган қатнашчилари киши _____, овоз берувчилар _____

Кворум мавжудлиги (овоз берувчи акцияларнинг умумий сонидан фоизларда) _____%.

Санок комиссияси аъзоларининг имзолари:

20__ йил « » _____ да
акциядорларнинг йиллик (навбатдан ташқари) умумий
йиғилишида овоз бериш учун «Ўзагросуғурта» акциядорлик жамиятининг _____ та
овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорининг _____ сон* бюллетени

№	Кун тартибидаги масалалар	Овоз беришга қўйилган масалаларнинг таърифи	Овоз бериш вариантлари (керак бўлмаганини ўчириринг)**		
			Ёқлайман	Қарши	Бетараф
1			Ёқлайман	Қарши	Бетараф
2			Ёқлайман	Қарши	Бетараф
3			Ёқлайман	Қарши	Бетараф

Фамилияси, исми ва отасининг исмининг бош ҳарфлари _____

(имзо)

* Қайд этиш рўйхати бўйича акциядорнинг рақами кўрсатилади.

** Овоз бериш вариантларидан фақат биттасини қолдирилади.

№	Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш(кумулятив овоз бериш), Овозлар сони	Номзод ФИО	Номзод учун берилган овозлар сони
1			
2			
3			
4			

Акционер(акционернинг вакили) (ФИО) _____

Имзоси

Бюллетен Акционер(акционернинг вакили) томонидан имзоланиши шарт.

ИШОНЧНОМА

Мен, _____ «Ўзагросуғурта» акциядорлик жамиятининг
_____ та оддий акцияларига (ва _____ та имтиёзли акцияларига эгаллик қилувчи)
_____ менга тегишли барча акциялар билан овоз беришда
акциядорлар йиғилишида менинг манфаатларимни ифодалаш учун _____ га
ишонч билдираман.

Менинг манзилим:

Вакилнинг манзили:

Паспорт

серия _____ № _____

Паспорт

серия _____ № _____

берилган _____

берилган _____

Ишончнома 20 ____ йил « ____ » _____ дан 20 ____ йил « ____ » гача ҳақиқийдир.
Акциядорнинг имзоси _____ Сана _____ Акциядорнинг
шахсий имзосини тасдиқлайман.

Нотариус _____

Имзо _____

Сана _____

М.Ў.

ИШОНЧНОМА

Мен, _____ «Ўзагросуғурта» акциядорлик жамиятининг
акциядори ҳисобланувчи, _____ та оддий акцияга (ва _____ та имтиёзли акцияга) эгалик
қилувчи _____

(юридик шахснинг номи)
_____ нинг раҳбари (директори, раис) _____ фуқаро
_____ га акциядорлар йиғилишида барча тегишли акциялар билан
_____ нинг манфаатларини ифодалашга ишонч билдираман.

(юридик шахс номи)

Акциядорнинг манзили:

Вакилнинг манзили:

Банк реквизитлари:

Паспорт серия _____ № _____

20 ____ йил « ____ » _____ дан 20 ____ йил « ____ » _____ гача амал қилади.

Раҳбарнинг имзоси _____

Сана _____

М.Ў.

Билдиришнома

Хурматли _____
_____ манзилида жойлашган «Ўзгросуғурта» акциядорлик жамияти
_____ (телефон) Сизга 20 ____ « ____ » _____
соат _____ минутда _____ манзилида жойлашган
акциядорлик жамияти акциядорларининг йиллик (навбатдан ташқари) йиғилиши бўлиши
хақида маълум қилади.

Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 20 ____ йил
« ____ » _____ даги ҳолатига кўра тузилади. Электрон почта манзили: info@_____.uz

Йиғилиш кун тартибига қўйидаги масалалар киритилган:

- 1.
- 2.
- 3.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилишига тайёргарлик кўриш даврида Сиз
_____ манзил ёки _____ телефон ва _____ сайт
орқали акциядорлар умумий йиғилишининг қўйидаги материаллари билан танишишингиз
мумкин:

- 1.
- 2.
- 3.

Ёнингизда паспорт ёки шахсни тасдиқловчи гувоҳнома бўлиши сўралади.

«Ўзгросуғурта» акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши
тўғрисидаги Низомга **14-илова**

Акциядор _____

Ф.И.О.

жамиятнинг _____ фоиз овоз берувчи акциялари эгасидан, паспорт серияси _____ рақами _____ йил _____ да _____ ИИБ томонидан берилган, жамиятнинг _____ фоиз овоз берувчи акциялари эгаси «Ўзагросуғурта» акциядорлик жамияти акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибига масалани киритиш тўғрисидаги

ТАКЛИФИ.

Бу йил ўтказиладиган акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига муҳокама қилиш учун қуйидаги масалаларни киритишни таклиф қиламан:

Йиғилиш кун тартибидagi 20__ йил учун Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш масаласи бўйича қуйидаги номзодларни таклиф қиламан:

Т/р	Номзод фамилияси, исми, отасининг исми	Овоз берувчи акциялар сони	Кайси органга
			Кузатув кенгаши аъзолигига
			Тафтиш комиссияси аъзолигига

Имзо _____

Акциядор

Ф.И.О.

жамиятнинг 5(беш)фоиз овоз берувчи оддий акциялари эгасидан ёки
акциядорлар(____дога овоз берувчи оддий акциялари эгаси_____, ____дога овоз
берувчи оддий акциялари эгаси_____,лар)дан жамият акциядорларининг
навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида

Т А Л А Б Н О М А

Мен(Биз) Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва кциядорларнинг
хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонунинг 65-моддаси талабига асосан

_____сабабли
20__йил ____кунга акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини
чақиришингизни талаб қиламан(миз)

Навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига муҳокама қилиш учун қуйидаги
масалаларни киритишни таклиф қиламан(миз):

Ушбу талабни Қонунда кўрсатилган муддатда кўриб чиқишингизни ва жавоб
беришингизни сўрайман(миз)

Имзо _____

Кузатув кенгаши ваколатларини муддатидан олдин тўхтатиш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказишни ташкил этиш

ТАРТИБИ

1. Мазкур тартиб акциядорлик жамиятини бошқаришда қатнашиш, акциядорлик жамиятининг жорий ваколатини унча яхши билмай ва ноҳалол бошқариш сабабли уларнинг манфаатларига зарар етказмаслик юзасидан уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда акциядорларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Кузатув кенгаши фаолиятини муддатидан олдин тўхтатиш масаласи бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш учун қўйидагилар асос бўлади:

- Кузатув кенгаши қарори;
- жамият тафтиш комиссияси ёки аудиторининг талаби;
- талаб қўйилаётган санада жамиятнинг камида беш фоиз овоз берувчи акцияси эгаси ҳисобланган акциядор (акциядорлар) нинг талаби.

3. Қўйидагилар кўрсатиб ўтилган масалалар бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талабларнинг сабаби ҳисобланади:

- Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига, жамият уставига, акциядорлар умумий йиғилиши қарорларига риоя қилмаслик;
- жамиятга зарар келтирганлик, акциядорларнинг мулкӣ ҳуқуқларига зиён етказиш, шу жумладан ишлаб чиқариш молия-хўжалик фаолиятининг жиддий ёмонлашуви, фойда ва рентабелликнинг пасайиши, ишлаб чиқариш ва маҳсулотларни сотиш, ишлар, хизматлар кўрсатиш ҳажмларининг асоссиз равишда камайиб кетиши билан боғлиқ зиён етказганлик;
- жамиятнинг иқтисодий ночорлиги (банкротлиги) белгилари мавжудлиги ёки уларнинг пайдо бўлиш хавфи, давлат бюджети, ходимларга иш ҳақи тўлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғармалар олдидаги барқарор қарздорлик;

- Кузатув кенгаши аъзоларининг ўз вазифа ва бурчларини бажармаслиги, ўз мажбуриятларига совуққонлик билан ёндошиши, умуман фаолият кўрсатмаслиги.

4. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талаб Кузатув кенгашига берилади ва унда аниқ сабаблар ҳамда уларнинг асослилиги кўрсатилган ҳолда йиғилишнинг кун тартибига киритилиши керак бўлган масалалар бўлиши лозим.

5. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талабномада Кузатув кенгаши ваколатларини муддатидан олдин тўхтатиш тўғрисидаги масаладан ташқари, кун тартибига Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш масаласини киритиш бўйича алоҳида таклиф бўлиши керак.

6. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талабнома акциядор (акциядорлар)дан тушган ҳолларда унда акциядорга тегишли акцияларнинг сони, тури кўрсатилган ҳолда йиғилиш чақиришни талаб қилаётган акциядор (акциядорлар)нинг исми-шарифи (номи) бўлиши керак.

7. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талабнома уни чақиришни талаб қилаётган шахс (шахслар) томонидан имзоланади.

8. Жамиятнинг Кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибидаги масалаларнинг таърифига ўзгартишлар киритишга ҳақли эмас ва ёзма талаб тақдим этилган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш ҳақида ёки талаб тақдим этган санадан эътиборан ўн кун ичида акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида ёки йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши керак.

9. Жамият кузатув кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги қарори ёки бундай йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақидаги асослантирилган қарори йиғилиш чақиришни талаб қилган шахсларга қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай юборилади.

10. Жамият Кузатув кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин. Жамият Кузатув кенгаши қонунчиликда белгиланган муддат ичида акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилмаган тақдирда ёки уни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилган тақдирда, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши уни чақиришни талаб қилган шахслар томонидан чақирилиши мумкин. Бундай ҳолларда акциядорларнинг умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрни акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра жамиятнинг маблағлари ҳисобидан қопланиши мумкин.

**Требования
к форме и содержанию доклада (отчета)
органов управления и контроля АО «Узагросугурта»**

**Отчет Наблюдательного совета
на годовом общем собрании акционеров
в АО «Узагросугурта»
за 20__год**

Отчет (доклад) Наблюдательного совета по итогам деятельности Общества за отчетный год предоставляется в письменном виде за подписью Председателя Наблюдательного совета.

Отчет (доклад) Наблюдательного совета должен содержать:

- сведения о составе Наблюдательного совета
- сведения о дате и сроках избрания членов Наблюдательного совета (изменениях в составе Наблюдательного совета)
- сведения о количестве и дате заседаний Наблюдательного совета, проведенных в отчетном году;
- сведения о рассматриваемых вопросах и принятых решениях;
- позицию и обоснованные рекомендации Наблюдательного совета по принятию решений Единственным акционером.

**Отчет исполнительного органа
на годовом общем собрании акционеров
в АО «Узагросугурта»
за 20__год**

I. Сведения об обществе

Полное фирменное наименование.

Открытое акционерное общество (общество с ограниченной ответственностью)

Доверительный управляющий _____

Информация об акционерах, владеющих более 5% голосующих акций общества:

№	Наименование акционера (юр. / физ. лица)	Доля акций, в % от уставного капитала	Доля акций, в % от голосующих акций
1.			
2.			
3.			

II. Выполнение бизнес-плана предприятия:

1.	<i>(описание мероприятия по бизнес-плану, предусмотренного к выполнению в отчетном периоде)</i>	<i>(выполнено / не выполнено — причина)</i>	Результат
2.			
3.			

III. Финансово-хозяйственная деятельность общества

Данные по основным показателям деятельности (объем произведенной продукции в натуральном выражении, виды оказываемых услуг)

Таблица 1

№	Наименование видов продукции, оказываемых услуг	Единицы измерения	Объем производства		Объем производства		Изменение + / - (%)
			01.01.20__ г.		01.01.20__ г.		
			по бизнес - плану	фактически	по бизнес - плану	фактически	
1.							
2.							

Данные об инвестициях, осуществленных обществом в отчетном году

Таблица 2

№	Наименование показателей	Единицы измерения	01.01.20__ г.		01.01.20__ г.		Изменение + / - (%)
			по бизнес - плану	фактически	по бизнес - плану	фактически	
1.	Объем капиталовложений за счет всех источников финансирования	тыс. сум.					
	в том числе:						
	за счет собственных средств	тыс. сум.					
	за счет заемных средств	тыс. сум.					
2.	Ввод мощностей	тыс. сум.					

Относительные показатели эффективности деятельности общества

Таблица 3

№	Наименование показателей	Единицы измерения	01.01.20__ г.		01.01.20__ г.		Изменение + / - (%)
			по бизнес - плану	фактически	по бизнес - плану	фактически	
1.	Чистая выручка от реализации продукции (товаров, услуг)	тыс. сум.					
2.	Чистая прибыль	тыс. сум.					

3.	Объем реализованной продукции (товаров, услуг) на одного работника	тыс. сум.					
4.	Чистая прибыль на одного работника	тыс. сум.					
5.	Себестоимость единицы продукции (товаров, услуг)	сум.					

Сведения о санкциях, наложенных на общество в течение года

Таблица 4

№	Дата наложения санкции	Наименование органа, наложившего санкции	Основания для наложения санкции	Вид санкции	Размер санкции (тыс. сум.)	Степень исполнения санкции
1	2	3	4	5	6	7

Сведения о кредиторской и дебиторской задолженности

Таблица 5

№	Наименование показателей	Единицы измерения	01.01.20__ г.	01.01.20__ г.	Изменение + / - (%)
1	2	3	4	5	6
1.	Дебиторская задолженность, всего	тыс. сум.			
2.	Просроченная дебиторская задолженность	тыс. сум.			
	в том числе:				
	(расшифровать по статьям баланса)	тыс. сум.			
3.	Кредиторская задолженность, всего	тыс. сум.			
4.	Просроченная кредиторская задолженность	тыс. сум.			
	в том числе:				
	(расшифровать по статьям баланса)	тыс. сум.			

Сведения о резервном фонде общества

Таблица 6

№	Наименование показателя	тыс. сум.
1.	Уставный капитал	
2.	Сумма образованного резервного фонда в отчетном году	
3.	Сумма использованного резервного фонда, всего	
	в том числе:	
	на покрытие убытков	
	на погашение облигаций	
	на выплаты дивидендов по привилегированным акциям	
	на выкуп акций	

Динамика аналитических показателей финансового состояния

Таблица 7

Наименование показателей	01.01.20__ г.	01.01.20__ г.	Изменение + / - (%)
1. Рентабельность уставного капитала (отношение чистой прибыли к уставному капиталу)			
2. Рентабельность активов (отношение чистой прибыли к балансовой стоимости активов)			
3. Коэффициент обеспеченности собственными оборотными средствами общества			

IV. Использование чистой прибыли отчетного года, по решению общего собрания акционеров

Фактическое распределение чистой прибыли общества

Таблица 8

Чистая прибыль по итогам отчетного года (тыс. сум.)	Распределение чистой прибыли				
	на выплату дивидендов		в резервный фонд	на развитие предприятия	на другие цели (расшифровать на какие)
	всего	в т. ч. на гос. долю			

V. Корпоративные действия

Доходы по ценным бумагам общества в отчетном году (объявленные дивиденды (проценты) в расчете на одну акцию)

Таблица 9

Вид ценной бумаги	Номинал	Промежуточные		Годовые		За предыдущий год		За отчетный год	
		сумма (сум)	процент к номиналу	сумма (сум)	процент к номиналу	сумма (сум)	процент к номиналу	сумма (сум)	процент к номиналу
1. Обыкновенные акции									
2. Привилегированные акции									
3. Корпоративные облигации									
4. Другие ценные бумаги									

Сведения об участии общества в других организациях и эффективности долгосрочных финансовых вложений

Таблица 10

№	Наименование организации	Основной вид деятельности	Доля в УФ организации	Инвестиции		Эффективность долгосрочных финансовых вложений		
				вклад в УФ, тыс. сум.	инвестиции, вложенные в процессе деятельности, тыс. сум.	доходы, полученные от фин. вложения, тыс. сум.	рентабельность активов, %	прибыль от фин. вложений после уплаты налогов, тыс.

								сум.

(подпись)

дата _____